# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ БЎЙИЧА СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ МОНИТОРИНГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Улуғбек Муроджон ўғли Зокиров** **Шерали Махмудович Жўраев**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

## АННОТАЦИЯ

Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни ташкил этиш усуллари ва жисмоний маданият ўқитувчиларининг фаолиятига қўйиладиган талаблар кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** Синфдан ташқари ишлар, мактаб жисмоний маданият жамоаси, спорт тўгараги, спорт кунлари, қувноқлар ва зукколар, югурувчилар куни, сакровчилар куни.

# ORGANIZATION OF MONITORING OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES ON PHYSICAL CULTURE IN SECONDARY SCHOOLS IN GENERAL

**Ulugbek Murodjon ugli Zokirov** **Sherali Makhmudovich Juraev**
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

## ABSTRACT

The article reviews the methods of organizing extracurricular work on physical culture in secondary schools in general and the requirements for the activities of teachers of physical culture.

**Key words:** extracurricular activities, School Physical Culture Team, Sports Circle, Sports days, cheerful and witty, day of runners, day of suckers.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим мактабларида ҳафтасига 2 соат жисмоний маданият дарси қўйилган, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ривожланганлигига, соғлом турмуш тарзи жисмоний маданиятини шакллантириш талабларига ижобий таъсир кўрсатаолмаслиги мана қатор йиллар давомида ўзининг исботини топиб улгурди. Асримиз касаллиги “гиподинамия” ва “гипокенизия” нинг оммалашиши

(ўқувчиларимизнинг энг катта фойизи кам ҳаракатланишни афзал кўраётганлиги) бўлажак жамиятимиз аъзоларининг жисмоний имкониятларига салбий таъсирини енгиш учун мактаб жисмоний маданиятининг синфдан ташқари ишларни идеал тарзда ташкиллаш зарурлиги мухим касб этади.

Тадқиқотларимиз учун танланган тажриба ва назорат мактабларимизнинг аксариятининг синфдан ташқари ишлар учун берилган шароитлар бир бирига яқин, педагогларининг иш стажи, педагогик тажрибаси етарли, нимаси биландир ўта устун мактабларни танламадик. Уларда олиб борилаётган оммавий мактаб спорт - соғломлаштириш ишларининг мазмуни, методлари ва ташкиллашни такомиллаштирмай туриб ўқувчилар жисмоний маданиятини шакллантириш бўйича давлат буюртмасини бажариб бўлмаслигини мактабларнинг мамурияти бирдек тушунишларини социологик тадқиқотларимиз орқали ўргандик.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Олинган тадқиқотлар натижасида жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқитувчилардан сўровномалар олинди. Тадқиқот давомида Фарғона вилояти мактабларида олиб борилаётган жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларнинг ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганиш мақсадида ҳалқ таълим бошқармаларига қарашли 10 дан ортиқ умумий ўрта таълим мактабларилари жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни ҳамда ўқув тарбиявий жараён ўрганилди.

Олинган тадқиқот бўйича 4 та тажриба ва 4 та назорат гуруҳидаги мактабларнинг жисмоний маданият таълим ва тарбияси учун 70% ўқитувчиси соҳанинг “кичик мутахасислари”, қолган 30% жисмоний маданият бакалаврларидан иборат бўлди.

Ўтган 2019 – 2020 ўқув йиллар давомида биз ўрганган 10 мактабнинг айтари 67% да синфдан ташқари ишларни ташкил этишда фақат мактабнинг спорт турлари бўйича спорт тугаракларини режалаштирмаган, 80% ҳолатда тайёргарликсиз, қисқа вақт ичида мактаб мамурияти кўрсатмаси билан уюштириладиган, ўтказиладиган мактаб спорт мусобақаларини тушунилиши, 33% ўқитувчиларда мактаб ўқувчилари ва мактабларнинг жисмоний маданият ўқитувчилари билан ўтказилгананкета саволларининг сўровлари орқали ўргандик.

Мактаб жисмоний маданият фани ўқитувчиларининг анкета саволларини мазмуни асосан мактабда ўз соҳасининг синфдан ташқари ишлар мазмуни, уни ташкиллаш методлари, машғулотларнинг асосий вазифаларини ҳал қилишда

қўлланилаётган замонавий методларни амалда қўлланишини самарадорлигини тадқиқ қилишга йўналтирилиб тузилди.

Сўровда иштирок этган ўқитувчиларнинг (30 нафари) 69% мактабнинг жисмоний маданият жамоасининг кенгаши фаолиятининг мазмуни ҳақида "қониқарли" баҳога яраша назарий билимга эга эканлигини; мактаб жисмоний маданият жамоаси фаолларини классификацияси ҳақидаги саволга 79% ўқитувчи фақат синфларнинг жисмоний тарбия ташкилотчилари деган тўғри деб бўлмайдиган жавобларни бердилар. Уларнинг 80% дан ортиғи жисмоний маданият фаолларидан фойдаланиш тажрибасига эга эмаслар деб айта оламиз.

Биз ўрганган умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний маданият жамоаларининг фаолиятини самарадорлигига таъсир этувчи мактаб жисмоний маданият жамоасининг иш режалари (синфдан ташқари ишларни олиб борувчи жамоанинг йиллик иш режаси (62%), синифдан ташқари вақтда олиб бориладиган мактаб спорт мусобақаларининг календар режаси (84%)), мактаб спорт тўгаракларининг асосини терма жамоа аъзолари(спорт турлари бўйича фақат терма жамоа аъзолари)дан бошқа тўгарак ўқув гуруҳларининг мавжуд эмаслиги сўровда иштирок этган мактаб жисмоний маданият фани ўқитувчиларнинг 65% жавоблари орқали аниқланди.

## НАТИЖАЛАР

Назорат ва тажриба мактабларининг айтарли 80% га яқини саволларга жавобларида жисмоний тарбия ўқитувчилари синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, мактаб жисмоний маданият жамоасининг фаолияти ва унинг структураси ҳақида катта тушунчага эга эмасликлари, жамоатчи фаоллардан синфдан ташқари ишлар давомида умуман фойдаланмасликларини, бу соҳада ўзларининг касбий назарий ва касбий амалий малакалари пастлигини (60,2%)ни ташкил этди.

Мактабнинг оммавий спорт тадбирларининг асосий мақсади ва вазифаларига оид саволларнинг 25%, жамоатчи йўриқчиларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятидан синфдан ташқари ишлар давомида фойдаланиш 21% мактабларда, спорт турлари бўйича жамоатчи ҳакамларни фаолиятидан фойдаланиш 11%, уларни мактаб ўқувчиларидан тайёрлаш фақат 6% назорат мактабларида амалга оширилаётганлиги синфдан ташқари ишларни самарадорлигига таъсир қиладиган воситалардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги ҳақида далолат беради.

Педагогик кузатишларимиз давомида спорт байрамлари, спорт кечаларини, оммавий спорт кунлари югурувчилар, сакровчилар,

улоқтирувчилар, жисмоний маданият кунларини ўтказиш анъанаси 60% дан ортиқ мактабларда йўлга қўйилмаган.

## МУҲОКАМА

Қувноқлар ва зукколар тадбирлари ўтказганликларига оид далил бўладиган баённомалар, фото стендлар, лавҳалар берилган теле, радио интервьюларнинг хужжатларини топмадик. Биз танлаган мактабларнинг бирортасида ўқувчиларни “Алпомиш” ва “Барчиной” саломатлик тести нормаларини топширганлиги синфлар бўйича қайд қилиб мактаб жисмоний маданият бурчагига илинган, барча ўзининг жисмоний таёргарлик кўрсаткичларини назорат қилиб турадиган рўйхати илинган доскани, мактаб спорт рекордларидоскаларини кўрмадик, мактабнинг рекордлар доскаси ёки мактаб жисмоний маданият жамоасининг рекордчилар, мактабнинг таниқли спортчиларини фамилияси, сурати ёзилган фахрий китобларини мактабларда юритилишини учратмадик.

Қайд қилинганлар тажриба ва назорат мактабларимизда жисмоний тарбиядан ўқув тарбиявий ишларининг умумий самарадорлигида синфдан ташқари ишларнинг таълимий ва тарбиявий моҳиятидан тўлиқ фойдаланилмайётган деб хулоса чиқаришимизга тўғри келади. Юқорида қайд қилинганларга қараб мактабларнинг синфдан ташқари ишлар мактаблар педагогика кенгаши назоратидан ташқарида, мактаб жисмоний маданият жамоаси ўзининг таълимий ва тарбиявий фаолиятида ҳал қилиши лозим бўлган функцияларини тўлиқ бажармаётган деган хулосага олиб келади.

Юқоридаги фикрларимизни мактаб ўқувчиларининг соғлом турмуш тарзи жисмоний маданиятига оид сўровномамиздаги қўйилган саволларга берган (2 илова) жавобларининг мазмунида кўришимиз мумкин жисмоний маданият бўйича “Югурувчилар куни” (6%), “Сакровчилар куни” (3%), “Футболчилар куни” (7%), “Саломатлик куни (11%)”, “Спорт мусобақалари” (13%) ва бошқа тадбирлар ўтказиладими? деб қўйган саволларимизга сўровда иштирок этганлардан оммавий тадбирлар ҳақида тасаввурлари катта эмаслигини кўрсатди.

## ХУЛОСА

Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни амалга ошириш учун мавжуд муаммолар, жумладан спорт жиҳозлари, анжомларни тақчиллиги, уларни сотиб олиш учун маблағни муаммолиги, мактаблар директорларининг муаммони ҳал қилишда

жонбозликларини, мактаб жисмоний маданият фани ўқитувчиларининг ташаббусларининг пастлиги синфдан ташқари ишларнинг самарали шаклларидан фойдаланишга уринишни кучли эмаслиги, қолаверса, муаммо бўйича бой тажрибани оммалаштирилмаётганлиги салбий ўзгаришларнинг сабаби деб кўрсатилмоқда. Спорт иншоатлари - стадионлар, сув ҳавзалари, спорт заллари, манежлар, турли хилдаги комплексли спорт майдонлари қошида оммавий соғломлаштириш спорти машғулотларини режалаштириш, ностандарт спорт жиҳозларини қуриш, мавжудларини жамоатчилик асосида таъмирлаш ва уларда спорт секцияларини фаолиятини ташкиллаш давр талаби эканлигини унутмаслигимиз, ўларни қошида “Умид ниҳоллари”нинг биринчи ва иккинчи босқич мусобақаларининг ўтказиш синфдан ташқари ишлар эканлиги ўзининг исботини топиб бўлганлиги мухим ахамият касб этади.

## REFERENCES

1. Achilov, T., & Zufarov, T. (2019). Improvement Of Combined Actions Of Greco-Roman Style Wrestlers Taking Into Account The Specifics Of Competitive Activity. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(12), 1913-1917.
2. Choriyev, I. (2019). Efficiency Of The Model Of Formation And Development Of Readiness For Pedagogical Design In The Conditions Of Information And Communication Technologies. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 7(12), 624-629.
3. Karaev, V. S. (2020). Competence And Competent: Different Approaches And Interpretations. International Journal for Innovative Engineering and Management Research, 9(9), 202-206.
4. Mamatkulov, R. S., Khudoyberganov, J. S., Yusupbaeva, A. S., & Umaralieva, D. U. (2020). Features of formation of readiness of future teachers for innovative activity by means of information technologies. International Journal for Advanced Research in Science & Technology, 10(06), 1-3.
5. Атабеков, Ф. У., Худойберганов, Ж. С., & Шукурллаев, Ж. М. (2020). Жисмоний тарбия дарсларида волейбол спорт турини ургатишда харакатли уйинлардан фойдаланиш. Малака ошириш тизимида спорт буйича мутахассисларнинг касбий компетентлиги механизмини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар, 212-214. 2.
6. Ачилов, Т. С. (2020). Оздоровительный бег, принципы самостоятельной тренировки. Maktab va hayot, 4(152), 43-44.

7. Караев, В. (2020). Физкультурно-спортивная деятельность как средство оптимизации подготовки профессионально-педагогических кадров. ACTA NUUz, 1(4), 79-81. 11.
8. Караев, В. Ш. (2020). Педагогические условия как фактор повышения профессиональной компетентности педагога физической культуры. Проблемы современной науки и образования, 6(151), 55-58.
9. Караев, В. Ш. (2020). Развитие профессиональной компетенции тренера в образовательном пространстве повышение квалификации. The World Of Science And Innovation, 1(1), 236-241.
10. Musurmanov, P., & Shermatov, M. (2020). Innovative Approaches To Developmant Of The Professional Competence Of Future Teachers. A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 1(1), 557-560
11. Зокиров, У. М. (2020). Эркин курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини такомиллаштириш усуллари. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 306-314
12. Хабибуллаев, С. Х., & Зуфаров, Т. У. (2020). Профилактика заболеваний средствами физической культуры. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 315-324
13. Хонкелдиев, Ш. Х., Закиров, У., & Меликузиев, А. А. (2020). Эффективность разработанной методики повышения физической подготовленности юных борцов вольного стиля. Наука сегодня вызовы и решения, 1(1), 114-115
14. Нурматов, Ф. (2019). Пути преодоления стресса спортсменами в спортивной соревновательной деятельности. ACTA NUUz, 1(2), 36-39.
15. Нурматов, Ф. А. (2020). Использование средств профессионально-прикладной физической культуры для улучшения уровня подготовки студентов вузов. Мугаллим, 2(1), 165-169.
16. Султанов, А. И., & Исламбоев, С. А. (2020). Вариативность физической подготовки дзюдоистов на этапе углубленной специализации. Вестник науки и образования, 10(88), 82-85.
17. Abdulaxatov, A. R., & Sultonov, A. I. (2020). Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarida kasbiy-madaniy munosabatlarni shakllantirish (kurash misolida). Maktab va hayot, 3(151), 20-21.
18. Чориев, И. Р., & Караев, В. Ш. (2020). Педагогическое проектирование физкультурно-спортивной деятельности будущих специалистов. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 333-341.

19. Шукурллаев, Ж. М. (2020). Ўқувчи-ёшларни волейбол спорт турига танлаб олишнинг методик хусусиятлари. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 342-348.
20. Shukrullayev, J. M. (2019). 7-14 yoshli maktab o'quvchilarini voleybol sport turiga tanlab olishning metodik xususiyatlari. Мугаллим, 2(1), 153-156.
21. Shermatov, M. (2020). Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarini tayyorlashda innovatsion yondashuvlar. Xalq ta'limi, 1(3), 78-83
22. Musurmanov, P., & Shermatov, M. (2020). Innovative Approaches To Developmant Of The Professional Competence Of Future Teachers. A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 1(1), 557-560
23. Akhatov, L.K., Rasulov, A.N., Mirzorakhimov, O.K., Sharipov, M.L., & Ibrokhimov, F.A. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. Journal of Critical Reviews, 7(17), 112-116